

ТИНТУВ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ДАВОМИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН АЙРИМ МУАММОЛАРГА ПРОЦЕССУАЛ ЕЧИМЛАР

Хомидов Вохиджон Адхамович

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш давомида юзага келаётган айрим муаммоларнинг таснифи, бу борада жиноят-процессуал нормаларни тўғри қўллаш чоралари, жиноят-процессуал муносабатларда “Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи” принципини устувор аҳамият касб этишини таъминлаш мақсадида, уйда ёки унга тегишли бўлган бошқа бинода тинтув ўтказилган ва унда турли сабабларга кўра ўзи иштирок эта олмаган шахс жиноят ишини юритаётган терговчидан унга тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарор ва тинтув баённомаси нусхаларини тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозимлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган айрим тушунмовчиликларга барҳам бериш мақсадида “кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, амалиёт билан боғлаган ҳолда, илмий асослантириб берилди.

Калит сўзлар: тергов ҳаракати, тинтув, санкция, суриштирувчи, терговчи, ажрим, қарор, баённома.

Амалдаги жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ, тинтув суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир. Тинтув қидирилаётган шахсни, шунингдек мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

Тинтув ўтказиш жараёнида бу ҳаракатлар уйда ўтказилаётган шахснинг ўзи ёки ҳеч бўлмаганда унинг вояга етган оила аъзоларидан бирининг иштирок этиши таъминланиши лозим. Башарти уларнинг иштирок этишини



таъминлашга имкон бўлмаса, тегишли ҳокимлик ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вакили таклиф қилинади.

ЖПКнинг 161-моддасига мувофиқ, терговчи тинтув ўтказишга киришишдан олдин тинтув ўтказилаётган шахсни қарор ёки ажрим билан таништириб имзо қўйдириши шарт.

Фикримизча, тинтув қарори билан таништириш деганда биз тинтув ўтказилаётган шахс қарорни шахсан ўқиб чиқиш ёки терговчи томонидан ўқиб эшиттириш орқали қарор билан таништирилишини тушунишимиз лозим. Агар мазкур жараёнда тинтув ўтказилаётган шахсда қандайдир савол туғилса, терговчи уни тушунтириб бериши лозим.

Тинтув ўтказишдан аввал тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорнинг нусхасини уй эгасига беришга доир амалиёт ўрганилганида, мазкур масалада қонун талабларига тўлиқ риоя этилаётганлиги маълум бўлди. Тинтув ўтказилаётган шахсга қарор нусхаси топширилиб, бу ҳақда қарорнинг ўзида унинг имзоси билан тасдиқланадиган ёзма қайд қолдирилишини кўрсатди (98.6 фоиз). Бизнинг фикримизча, тинтувни бу йўсинда бошлашга доир қонуннинг талаби энг мақбул йўл ҳисобланиб, бу терговчига турар-жойга асоссиз бостириб кириш билан боғлиқ низони бартараф этиш имконини беради.

Шу билан бирга, фикримизча, уйда ёки унга тегишли бўлган бошқа бинода тинтув ўтказилган ва унда турли сабабларга кўра ўзи иштирок эта олмаган шахс ҳам жиноят ишини юритаётган терговчидан унга тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарор ва тинтув баённомаси нусхаларини тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Қолаверса, мазкур таклифни қонунчиликда ўз ифодасини топиши жиноят-процессуал муносабатларда “Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи” принципини устувор аҳамият касб этишига хизмат қилади.

ЖПКнинг 161-моддасига мувофиқ, тинтув тергов ҳаракати терговчининг асослантирилган қарорига биноан, прокурорнинг санкцияси билан ўтказилади. Лекин кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ҳам ўтказилиши мумкин. Эътиборлиси, санкциясиз ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида прокурорга хабар қилиниши лозим. Мазкур хабарномада терговчи кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни асослантириб бериши лозим.



Шундай бўлсада, жиноят ишларини ўрганилиши, суд-тергов амалиётида тинтув тергов ҳаракати аксарият ҳолатларда фақат прокурор санкцияси асосида ўтказилишини кўрсатди. Назаримизда бунга асосий сабаб сифатида, қонунчилигимизда тинтув тергов ҳаракатини ўтказишда “кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар” деганда нимани тушуниш лозимлиги очик қолганлигидир. Қонун чиқарувчининг тутган мазкур йўли бир қарашда тўғри ҳисобланади. Зеро, қонунда жиноят ишини тергов қилиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган барча кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни кўзда тутишнинг иложи йўқ.

Лекин шундай бўлсада, процессуал адабиётларда кўриб чиқиладиган масалага доир турли фикрлар илгари сурилган. В.И.Торгушиннинг фикрича, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларга тегишли тергов ҳаракатларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйиш қуйидаги оқибатларга олиб келиши мумкин:

- 1) янги жиноятни содир этилиши;
- 2) муҳим ашёвий далилнинг йўқ қилиб юборилиши;
- 3) катта миқдордаги моддий ёки бошқа қимматли ашёларни йўқ қилиб юборилиши;
- 4) қидирувда бўлган шахснинг яшириниши;
- 5) шахснинг ўз жонига қасд қилиши ва бошқ[1].

А.П.Рыжаковнинг фикрича эса, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларга қуйидагиларни киритиш лозим:

- 1) тўсатдан тергов ҳаракатини амалга ошириш учун фактик асослар юзага келиши;
- 2) ишга алоқадор ашёлар (ҳужжатлар)ни йўқ қилиш ёки яшириш чораларини амалга оширилиши;
- 3) шахснинг келгусидаги жиноий фаолиятига барҳам бериш зарурати;
- 4) бошқа ҳолатларда[1].

Дарҳақиқат, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тинтув тергов ҳаракатини амалга оширилишини кечиктириш қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин: 1) жиноят изларини йўқолиши; 2) жиноятни содир қилган шахсларнинг яшириниши; 3) жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш имкониятини қўлдан бой берилиши.



Мазкур масалада амалиёт ходимларининг фикрлари бир-биридан фарк қилади. Сўров иштирокчиларининг 109 нафари (54.5%)нинг фикрича, қонунда кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар рўйхатини мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Сўровда қатнашганларнинг 91 нафари (45.5%) ЖПКга тегишли норманинг киритилиши мансабдор шахслар томонидан қонун қоидаларини ўз ҳолича талқин этилишига чек қўйишга хизмат қилган бўлар эди, деган фикрни билдирдилар¹.

Жиноят ишларини ўрганиш ҳамда тергов идоралари билан ўтказилган суҳбатлар одатда тинтув тергов ҳаракатини ўтказилишини кечиктирилиши иш учун муҳим аҳамият касб этган далилларни йўқолишига сабаб бўлади. Чунки, суд-тергов амалиётида тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш учун прокурорнинг санкциясини олишга ўртача 4-8 соат сарфланишига олиб келмоқда². Бу эса, юқорида қайд этилган салбий ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун мазкур масаланинг ечими бўйича қуйидаги мазмундаги фикрларни билдириш мумкин:

биринчиси, терговчини қарорига прокурор томонидан санкция ёки розилик бермаслик ҳолати қандай расмийлаштирилиши амалдаги ЖПКда тартибга солинмаганлиги сабабли ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган турли хил тушунмовчиликларга барҳам бериш мақсадида терговчининг тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақидаги қарори бўйича прокурор санкцияси (розилиги)ни олишнинг янги механизмини ишлаб чиқиш зарурати асослантириб берилди;

иккинчидан, тергов идоралари томонидан тергов ёки процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун прокурорнинг санкцияси (розилиги)ни олиш давомида терговчиларнинг кўп вақтини бесамар кетишини олдини олиш ҳамда мазкур жараёни тезкорлик билан амалга оширилишини таъминлаш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш зарур. Чунки, бугунги кунга қадар мазкур амалиётни йўлга қўйилмаганлиги терговчиларнинг кўп вақтини бесамар кетишига сабаб бўлмоқда.

¹ Тадқиқот давомида ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлили.

² Тадқиқот давомида ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлили.



Ўйлаймизки, айнан мазкур йўл айрим прокурорларга масалага хоҳлаганича ёндашиш ва қонундаги бўшлиқлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини бермайди.

Иккинчи йўлнинг мазмуни шундан иборатки, терговчи жиноят иши юзасидан юзага келган кечиктириб бўлмайдиган ҳолатга мустақил баҳо бериши зарур. Яъни, агар лозим деб топса, тинтув тергов ҳаракатини ўрнатилган тартибда прокурордан розилик олмай туриб, ўтказиши лозим бўлади. Аслида амалдаги ЖПК талабларига мувофиқ шундай йўл тутиши мумкин. Лекин юқорида қайд этилганидек, суд-тергов амалиётида бундай ҳолат жуда кам кузатилади. Шундай бўлсада, ўрнатилган тартибда прокурорнинг розилигини олмай ўтказилган тинтув тергов ҳаракати бўйича терговчи асослантирилган хабарнома тузиб, прокурорга юбориши лозим. Амалдаги ЖПКда мазкур хабарномаларни кўриб чиқиш тартиби ва уларга баҳо бериш масалалари ўз ифодасини топмаган. Бу эса, қонунимиздаги бўшлиқ борлигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларга муносабат билдиришда бевосита амалдаги ЖПК 88-моддаси иккинчи қисмининг 3-бандига мурожаат қилиш зарур. Зеро айнан мазкур қонун нормаси мазмунида, қонун чиқарувчи томонидан тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар эканлиги эътироф этилган. Лекин шундай бўлсада, назаримизда қонун чиқарувчи ушбу нормада шахсларнинг ўз жонига қасд қилишининг олдини олиш, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш имкониятини қўлдан бой бериш ҳамда қидирувда бўлган шахснинг яширинишига йўл қўймаслик каби суд-тергов амалиётида юзага келаётган айрим омилларни инобатга олмаган.

Юқорида санаб ўтилган айрим тушунмовчиликларга барҳам бериш мақсадида “кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар” тушунчасига қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар – бу тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг ёхуд шахсларнинг ўз жонига қасд қилишининг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига, жиноят содир этган шахснинг қочиб кетишига ёки қидирувда бўлган шахснинг яширинишига йўл қўймаслик, шунингдек



жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун мулкларни хатлаш имкониятини қўлдан бой бермаслик мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни тезкорликда ўтказилишини тақозо этадиган ҳолатлардир.

Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар тушунчасига муаллифлик тарифини беришда “жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун мулкларни хатлаш имкониятини қўлдан бой бермаслик” каби аниқ бир мақсадни кўзловчи тушунчани ҳам киритиб ўтдик.

Суд-тергов амалиётида кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда зудлик билан мулкларни хатлаш имконияти мавжуд бўлса-да терговчиларнинг прокурорни санкциясини олиш учун вақт сарифлаётганлиги ва натижада мулккий зарарни қоплаш имконияти қўлдан бой берилаётганлиги кузатилмоқда.

Хулоса ўрнида терговчи кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ёки одатий тинтув ўтказиш жараёнида уйда тинтув ўтказилаётган шахснинг ўзи ёки ҳеч бўлмаганда унинг вояга етган оила аъзоларидан бирининг иштирок этишини таъминлаши қуйидаги ижобий натижаларни беради.

Уй эгаси аксарият ҳолатларда қаерда нима жойлашганини айтиши, топилган ашё бўйича тушунтиришлар бериши, тинтув ўтказилаётган бинолар ва предметлар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиниши, келгусида терговчи ва тинтувнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан турли таъналар қилинмаслиги, тергов ҳаракати натижаларининг тўғри ва холис акс эттирилиши ҳамда уни амалга оширишга оид қонуннинг барча талабларига риоя қилинишига хизмат қилади. Мазкур омиллар, уйда тинтув ўтказилаётган шахснинг иштирокини таъминлаш имконияти мавжуд бўлганида, тергов ҳаракатини фақат мазкур шахс иштирокида ўтказиш ҳар жиҳатдан асослидир. Бу эса, шахснинг ўз уйда ўтказиладиган тинтувда иштирок эта олмаслиги сабаблари, тинтув тўғрисидаги қарор ёки тегишли баённомада асослаб берилишини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42494725>
2. <https://www.labirint.ru/books/460603/>
3. Ботаев М. Д. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш //Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – 2020.

